

International scientific and practical online conference

INTEGRATION INTO THE WORLD AND CONNECTION OF SCIENCES

Международная научно практическая online-конференция

ИНТЕГРАЦИЯ В МИР И СВЯЗЬ НАУК

Beynəlxalq elmi və praktik internet konfransi

DÜNYAYA İNTEQRASIYA VƏ ELMLƏR ARASI ƏLAQƏ

2022

 Baku, Azerbaijan Republic



Conference proceedings available
at virtualconference.press

CONTENTS

LITERATURE

Asadov M – The motif of “Loneliness” in the work “the stranger”.....3

MEDICINE

Эрматов Н, Абдулхаков И. – Қанди диабет билан хасталанган пациентларнинг кунлик овқатланиши рационада меваларнинг тутган ўрни ва ахамияти.....8

Насирдинов М., Эрматов Н. – Темир танқислик камқонлик касаллиги билан хасталанган мактаб ўқувчиларининг кунлик рацион таркибида сут маҳсулотларининг таъминланган даражасини таҳлили.....12

Сагдуллаева М., Эрматов Н, Бобомуродов Т - Муддатида ўтиб туфилган болалар оналари орасида касалланишнинг гигиеник таҳлили.....15

Эрматов Н, Насирдинов М. - Темир танқислик камқонлиги билан хасталанган мактаб ўқувчиларининг қиш фаслида овқатланишини гигиеник таҳлили.....18

Эрматов Н, Насирдинов М - Фарғона вилояти мактаб ўқувчиларининг кунлик овқатланиш тартибини гигиеник таҳлили.....22

Садикова М.А. - Использование ларингеальной маски анестезиологическое обеспечение пациента с тяжелой шейно-грудинной рубцовой контрактурой....25

PEDAGOGY

Shamshiyeva S.A., Noraliyeva M.A. - Oilaviy nodavlat maktabgacha ta’lim tashkilotlarida ta’lim-tarbiya jarayonini tashkil etishda rivojlanish markazlarining ahamiyati.....33

Yarashova N. J. Bolalarning lingvokognitiv taraqqiyotida o‘yinlarning ahamiyati..37

PHILOLOGY

Xudayberdiyeva O. - O‘zbek tilshunosligida gender tadqiqotlar.....43

PHILOSOPHY

Boltaev F.F. - Philosophical analysis of the problem of the origin of language.....46

GENERAL SCIENCE

Тахирова И. О переводе английской фразеологии на русский язык.....50

Kamalova D.K. Role of interpersonal skills in teaching English.....53

Abdumuminova O.A. Professional competence of primary education teacher as a condition for effective implementation of continuity between primary and basic school.....58

ТЕМИР ТАНҚИСЛИК КАМҚОНЛИГИ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚИШ ФАСЛИДА ОВҚАТЛАНИШИНИ ГИГИЕНИК ТАҲЛИЛИ

Низом Эрматов

nizom.ermatov@tma.uz+99890917-18-70

Тошкент тиббиёт академияси

Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси мудирини,
профессор

МАВЛОНЖОН НАСИРДИНОВ

nasridinovmavlonjonfjsti@gmail.ru.+998912854503

Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти танияч докторанти

Резюме.

Фарғона вилоятининг қишлоқ шароитида истиқомат қилиб, таълим олаётган 290 нафар мактаб ўқувчиларини йилнинг қиш фаслида истеъмол қилаётган овқатланиш тартибининг гигиеник таҳлил қилдик. Мактаб ўқувчиларнинг овқатланиш рационали таркибидаги асосий озиқ-маҳсулотлари Сан НваҚ 007-2020 ва Сан НваҚ 0017-2022 асосида солиштириб, таҳлил қилдик. Бошланғич синфларида таълим олаётган 290 нафар ўқувчиларнинг 144 нафари ўғил, 156 нафари қиз болаларни, улардан 44 нафари енгил даражадаги темир танқислик камқонлик касаллиги билан хасталанган. Белгиланган маҳсулотларнинг гигиеник таҳлилидан кўриниб турибдики, ноннинг истеъмол даражаси 156,6%ни, буғдой уни 166,7%га, тузнинг истеъмоли 240%ни, қандолат маҳсулотлари 350%га, шакарнинг истеъмол эса 116,7%га ортиқча, мева, сабзавотлари, сут ва гўшт маҳсулотларининг миқдори кескин камайган. Темир танқислик камқонлик касаллиги билан хасталанган бошланғич синф ўқувчиларнинг қиш мавсумида мутлоқ овқатланиш тартибининг таҳлилидан кўриниб турибдики, уларнинг овқатланиш тартиби гигиеник талабларга мос келмайди.

Калит сўзлар, мактаб ўқувчилари, темир танқислик касқонлик касаллиги, овқатланиш тартиби, озиқ-овқат маҳсулотлари

Муаммонинг долзарблиги ва зарурияти. ЖССТ маълумотларига кўра, темир танқислик камқонлик касаллиги (ТТКК) дунё аҳолисининг 30% дан ортиғи азият чекади, уларнинг аксариятини аёллар ва болалар ташкил қилади [ЖССТ, 2016]. Камқонликнинг тарқалиши кўп жиҳатдан аҳолининг турмуш тарзи, овқатланиши, тиббий ёрдамнинг сифати ва мавжудлигига боғлиқдир. Тўғри ташхис қўйиш, жумладан, турли хил лаборатория текширувларини ўтказиш ушбу патологияни ўз вақтида аниқлаш ва тегишли даволаш усулини танлаш имконини беради. ЖССТ маълумотларига кўра, ер юзидан 3,6 млрд. инсонларда турли даражадаги камқонлик аниқланган бўлса, улардан 1,8 млрд. инсонлар ТТКдан азият чекади.

Мамлакатимизда аҳолининг турли қатламларининг, шунингдек, мактаб, ўқувчиларнинг саломатлик ҳолатини тиклаш, мактабдаги самарали ишлаш қобилиятини таъминлаш, ўқувчилар орасида овқатланиш билан боғлиқ касалликларни олдини олиш, нутриентив статусининг бузилиши натижасида юзага келадиган темир ва йод танқислик ҳолати, ошқозон ичак тизими касалликлари, мактаб ўқувчиларининг нутриентив статусининг бузилишга боғлиқлиги қатор илмий нашрларда ўз аксини топган, қатор илмий ишлари олиб борилишига қарамасдан, мамлакатимиз аҳолиси орасида камқонликни даволаш энг самарали усулларини танлаш ва олдини олишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш борасида мамлакатимизда қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шунда келиб чиққан ҳолда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва соғлом овқатланиш мезонларига риоя қилиш алиментар боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш ва касалликни ривожланишида болалик давридаги овқатланиш ва микронутриентлар таркибига боғлиқлигини асослаш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади. Темир танқислик қамқонлик касаллиги билан хастланган мактаб ўқувчиларнинг қиш фаслида овқатланишни гигиеник баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг материал ва усуллари: Фарғона вилоятининг қишлоқ шароитида истиқомат қилаётган мактаб ўқувчиларнинг йилниинг қиш фаслида истеъмол қилаётган овқатланишни гигиеник таҳлил қилдик. Олинган натижалар кун давомидаги овқатланиш рациона таркибидаги асосий озиқа маҳсулотлари белгиланган Сан НваҚ 007-2020 ва Сан НваҚ 0017-2022 асосида солиштирилди.

Олинган натижаларнинг статистик таҳлили «Pentium-IV» процессори асосидаги шахсий компьютернинг амалий дастурий пакети Excel ёрдамида анъанавий вариацион статистика усуллари ёрдамида ўтказилди.

Олинган натижалар таҳлили. Мақсадни амалга оширишда олинган натижаларнинг илмий асослаш мақсадида мактабнинг бошланғич синфларида таълим олаётган 290 нафар ўқувчилар, улардан 144 нафари ўғил ва 156 нафари қиз болалар ташкил қилиб, уларнинг орасида 44 нафари енгил даражадаги камқонлик касаллиги билан хасталанган бўлиб, улардан 23 нафарини ўғил ва 21 нафарини эса қиз болалар ташкил қилган.

Мактаб ўқувчиларининг қиш мавсумидаги овқатланиш тартибининг гигиеник таҳлил шуни кўрсатадики, белгиланган 44 та маҳсулотдан ўқувчилар жавдар нони истеъмол қилинмаган бўлса, улар кўшимча равишда асал ва маргарин истеъмол қилишган. Истеъмол қилинган маҳсулотларнинг гигиеник таҳлилидан кўриниб турибдики, ноннинг истеъмол даражасининг кунлик миқдори 156,6%ни, буғдой уни физиологик меъерий кўрсаткичга нисбатан 166,7%га, тузнинг истеъмол 240%га, қандолат маҳсулотлари 350%га, шакарнинг истеъмол эса 116,7%га ортиқча истеъмол қилинган бўлса, мевалар, сабзовотлар, сут, балиқ ва гўшт маҳсулотларининг миқдори кескин камайтирилган.

Темир танқислик камқонлик касаллиги билан хасталанган бошланғич синф ўқувчиларнинг қиш мавсумида мутлоқ овқатланиш тартибининг таҳлилидан кўриниб турибдики, уларнинг овқатланиш тартиби гигиеник талабларга мос келмайди. Ушбу ҳолатда ташкиллаштирилган овқатланиш

тартибида асосан ҳайвон оқсил ва ёғларнинг камайиши, ўсимлик мойлари билан карбонсувларнинг ортишига шароит яратилади.

Таъкидлашимиз жоизки, мактаб ўқувчилари орасида тартибсиз ташкиллаштирилган овқатланиш тартиби, уларнинг кунлик рациона таркибининг ўзгариши ва овқатланиш билан боғлиқ касалликлар сонини кескин ортиши ва улар орасида ишлаш қобилиятининг пасайиши ва кун тартибининг издан чиқиши юзага келади. Бу борада тадқиот ишлари олиб борилмоқда.